www.wordlyknowledge.uz Volume: 3, Issue: 1, 2023

БАЧАДОН БЎЙНИ ДИСПЛАЗИЯСИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ

Арзиева Г.Б

Зиёдуллаева И

Мирзабекова М

Самарқанд давлат тиббиёт университети. Ўзбекистон

Аннотация. Мақолада бачадон бўйни интраэпителиал ноплазияси бўлган беморларнинг комплекс босқичли диагностикаси ва бачадон бўйнини рак олди холатларини икки босқичли комплекс даволаш, цервикал карциномага юқори риск бўлган беморларнинг скрининги ёритилган. Даволаш диагностик алгоритми, ушбу холатларда қўлланиладиган энг мақбул усуллари тахлил қилинган.

Калит сўзлар: интраэпителиал ноплазия, бачадон бўйни раки, даволаш диагностик алгоритм.

Аннотация. В статье рассматривается комплексная диагностика пациенток с интраэпителиальной неоплазией шейки матки и двухэтапное комплексное лечение случаев рака шейки матки, скрининг пациенток с высоким риском развития карциномы шейки матки. Рассчитан диагностический алгоритм лечения, наиболее оптимальные методы, применяемые в этих случаях.

Ключевые слова: интраэпителиальная неоплазия, рак шейки матки, диагностический алгоритм лечения.

Annotation. The article covers complex-stage diagnostics of patients with intraepithelial noplasia of the cervix and two-stage complex treatment of cases of cancer of the cervix, screening of patients with a high risk of cervical carcinoma. The diagnostic algorithm of treatment, the most optimal methods used in these cases, is calculated.

Keywords: intraepithelial noplasia, cervical cancer, diagnostic algorithm of treatment.

Бачадон бўйни раки соғлиқни сақлаш сохасидаги энг мухим тиббий ва социал муаммо бўлиб, бачадон бўйни раки билан касалланиш кўрсаткичи 45 55 ёшдаги аёлларда кўп учраб, хозирда ёш гурух аёлларида хам кўп учраши билан характерланади [1,4]. Бачадон бўйни раки 2-4 босқичлари умумий аёлларнинг 60 75% кузатилиб, Россияда 1-2 босқичлар 60,4%, 3-босқич 29,5%, 4-босқич 10,1% ни ташкил қилди. Касалликда спецификлик 86-100% ва сезгирлик 60-83% ни ташкил қилиб, ушбу касалликнинг асосий профилактикаси ўз вақтида ташхис қўйиш бўлиб, вақт ўтгани сари касалликни даволаш натижасининг ижобийлиги камайиб боради. Бачадон бўйни ва цервикал каналдаги морфологик ўзгаришларга кўра хавф гурухидаги беморларни аниқлаш мумкин [3,6].

Хозирги вақтда папилломавирусга оид маълумотлар хам етарлича бўлиб, касалликнинг этиологияси билан боғликдир. Бошқа кўпгина текширув натижаларига кўра жинсий аъзолар герпетик инфекциясининг ўрни юқори эканлиги тасдиқланган. Ўсма ва ўсма олди холатларини аниқлашда тўқима ва хужайраларнинг пролифератив активлиги ва апоптоз мухим ахамиятга эга [2,3,5].

80% холларда бачадон бўйни дисплазияси ижтимоий холати кам мамлакатларда кўп учраб, бачадон бўйни дисплазияси 80% фон касалликларига, 20% рак олди касалликларига ўтиши билан характерланади. Репродуктив ёшдаги аёллар асосий хавф гурухларига кириб, аёлнинг ёши ошгани сари йилига касалланиш хавфи 1,3% га ошиб

www.wordlyknowledge.uz Volume: 3, Issue: 1, 2023

боради. Бачадон бўйни оғир дисплазияси кузатилган беморларда этиологик факторлардан ОПВ (одам папиллома вируси) нинг 16 ва 18 типлари юқори онкоген кўрсаткичга эга бўлиб, беморларнинг 50 80% ушбу вирус аниқланган. Шунинг учун даволашда ффон ва рак олди ўзгаришларни, вируснинг элиминациясини таъминлаш, иммуномодуляторлар қўлланилади [4].

Тадқиқотнинг мақсади: бачадон бўйни рак олди холати аниқланган аёлларда комплексли диагностик ва даволаш мезонларини мақбул турини ишлаб чиқиш.

Материал ва усуллар: барча беморларга комплекс текширув**:** анамнезини ўрганиш, умумий ва гинекологик кўрик, кенгайтирилган колпоскопия, қин суртмасининг бактериоскопияси, грамм усулида бўйаш. Яллиғланиш инфилтрацияси ва ҳужайранинг морфологик хусусиятлари, цервиксдаги янгиланиш жараёнлари, бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси (ЦИН) бахолаш, кечиш хусусиятини бахолаш, оптимал давони танлаш мақсадида 30 та 25 58 ёшдаги аёлларнинг биоптати текширилиб, 3 туғруқ мажмуасига диспансер назоратига олинди. Колпоскопик текширув LEISEGANG да олиб борилиб, 7 15 30 марта катталаштириб текширилди. Колпоскопия 2 усулда амалга оширилиб, оддий колпоскопия хеч қандай бўёқларсиз бачадон бўйни текширилди, кегайтирилган колпоскопияда 3% ли уксус кислотаси ва Люгол эритмаси орқали амалга оширилди. Колпоскопик кўринишлар колпоскопик терминлар ёрдамида бахоланиб, трансформация зонаси, эпителийнинг трансформацияси, мозаиклар аниқланиши қўпол ёки дағал, йод негатив сохалар ва диффуз ёки ўчоқли ццервицит белгилари аниқланди. Морфологик ўзгаришларига кўра ЦИН 3 кечиши 12 нафар (40%) беморда аниқланиб, ЦИН гистологик ташхиси қуйидаги кўрсаткичларга кўра қўйилди: хужайра ва ядроларнинг ўлчами ва тузилишининг ўзгариши, ядронинг гиперхромлиги, митозлар сонининг ошиши, ядро цитоплазматик боғлиқликнинг ўзгариши. ЦИН 3 (ясси кўп қаватли эпителийни оғир дисплазияси) да патологик ўзгаришлар эпителийнинг юқори учдан бир қисмида жойлашиб, эпителийнинг бутун қаватини зарарланмаган бўлади.


Препаратларни бахолаш мақсадида гематоксилин эозин усулида бўялиб, митоз активлик митознинг шаклига кўра аниқланди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси: текширилган беморларнинг 25 нафарида (83,3%) хайз цикли нормал бўлиб, 5 нафарида норегуляр (16,7%) эканлиги аниқланди. Гинекологик анамнезига кўра: цервицит 21 нафар (70%), ўткир эндометрит 3 нафар (10%), бачадон ва ортиқлари яллиғланиши 11 нафар (36,7%), вулвовагинит 27 нафар (90%) беморда аниқланди.


Бактериоскопияда бактериал вагиноз 28 нафар (93,3%), патоген кокклар 12 нафар (40%), замбуруғлар 14 нафар (46,7%), аралаш инфекция 11 нафар (36,7%) ни ташкил қилди.

Беморларга даволаш 2 босқичда амалга оширилди: антибактериал терапия, яллиғланишга қарши, замбуруғга қарши, микробиоценозни яхшилаш мақсадида пробиотиклар қўлланилиб, суперлимф 25ЕД қўлланилиб, ундан сўнг беморларда аниқланган қолдиқ патологик ўчоқнинг деструкциясига тайёрланди. Ушбу даводан сўнг антисептика мақсадида жарохат бетадин билан ювилиб турилди.

www.wordlyknowledge.uz Volume: 3, Issue: 1, 2023



Расм 1. Беморда аниқланган бачадон бўйни дисплазияси ЦИН 2.



Расм 2. Биринчи босқич даводан сўнг бачадон бўйнининг холати.

www.wordlyknowledge.uz Volume: 3, Issue: 1, 2023



Расм 3. Криодеструкциядан кейин бачадон бўйни холати.

Хулоса: хулоса қилиб айтганда бачадон бўйни дисплазиясида даволашнинг босқичли эканлиги мухим ахамиятга эга бўлиб, ректал қўлланилган суперлимф 25ЕД енгил диспластик ўзгаришларда етарли даво бўлиб, ножўя таъсирлари кам. Оғир диспластик ўзгаришлар бўлган беморларда эса ушбу воситадан сўнг ОПВ тести манфий бўлиб деструкциядан сўнг беморларда қайталаниш кўрсаткичи кам бўлиб, тез тузалишида мухим ахамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Лесничая О. В., Семенов Д. М., Крылов Ю. В. Профилактика и лечение дисплазии шейки матки //Вестник Витебского государственного медицинского университета. – 2010. – Т. 9. – №. 3. – С. 84.
2. Доброхотова Ю. Э. и др. Комплексное лечение дисплазии эпителия шейки матки умеренной и тяжелой степени на фоне ВПЧ-инфекции //Гинекология. – 2015. – Т. 17. – №. 1. – С. 8-12.
3. Доброхотова Ю. Э. и др. Эффективность комплексного подхода к лечению дисплазии эпителия шейки матки умеренной и тяжелой степени на фоне инфицирования вирусом папилломы человека //Фарматека. – 2015. – Т. 3. – С. 44-7.
4. Венедиктова М. Г. и др. Современный взгляд на комплексную терапию дисплазии шейки матки в условиях инфицирования вирусом папилломы человека //РМЖ. Мать и дитя. – 2019. – Т. 2. – №. 3. – С. 237-242.
5. Сенчук А. Я. и др. Новые подходы к лечению дисплазий шейки матки, ассоциированных вирусом папилломы человека //Таврический медико-биологический вестник. – 2013. – №. 16,№ 2 (1). – С. 208-211.
6. Аминодова И. П., Посисеева Л. В. Рецидивирующая дисплазия шейки матки–факторы риска и возможности их коррекции. Перспективы этапной терапии //Research'n Practical Medicine Journal. – 2016. – №. Спецвыпуск. – С. 25-26.